

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «1» 6

2022-190-1-22-МТ-
сон

Юлия

ш.

— Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Избоскан туман мактабгача таълим бўлими” мудири Н.Кобилова бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “Иноватцион Булдинг таъмир” МЧЖ номидан Низом асосида дирекори Ф.Толибжонов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Тарифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

“ижро хужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

“курилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича “Избоскан туман 21 мактабгача таълим ташкилоти” обьектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил лот раками “22110012091921” электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 296 000 000.00 (Икки юз туксон олти миллион) сўмни ташкил этади.

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгаририлганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “ 1 ” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- курилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

- курилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини обьект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

Ишларнинг бошланиши 2022 йил 1 июн, тугатилиши 2022 йил 31 июн.

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома конун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилингандан кейин киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 10 **кунни** ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тұловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бүйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс үтказади, бу **88 800 000.00** (Сексон саккиз миллион саккиз юз минг) сүмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (2-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилған ишлар сифати текширилғандан кейин, берилған авансни хисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи үртасидаги узил-кесил хисоб-китоб курилиш тугалланғандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланған тартибда қабул қилинғандан кейин иккى босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинған кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар кийматининг камидә 45 фоизи микдорида;

мазкур шартномада белгиланған кафолатты муддати тамом бўлғандан кейин - ишлар кийматининг 5 фоиз молиялаштириш амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бүйича мулк ҳуқукини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бүйича ўз зиммасига қабул қилған мажбуриятларни шартнома кучга кирған кундан бошлаб 25 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланған тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор қилған ҳолда, шартномага ўзгартришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилған ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан үтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равища катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилған муддатлар билан мувофиқлаштирилған ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равиша ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланған тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмайтган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланған кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганилиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишгандай ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

33. Қабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёrlиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари хамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишгандай бўлишига бўлган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар яширин ишлар далолатномасида Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор килинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ яширин ишлар далолатномасининг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сириди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтarda бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтarda Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга кадар четлари тўсилгандай қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка молмулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Курилиши тугалланган объектини қабул қилиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектини қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объекти фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб **30** кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектини қабул қилиб олиш бошланишидан 5 (беш) кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объекти Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектидан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф қилинишни;

объектидан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектини қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камидан 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камидан 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектидан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарининг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда

Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқукига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилингана қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбордомонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбордомон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этилмайди.

60. Буюртмачи томонидан курилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун Пудратчи Буюртмачига бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажарилмаган ишларни қоплашдан озод этилмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш,

шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида Пудратчидан жарима ундириш хукуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мulkning йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пена билан қопланмаган заарларни коплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пена тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чикилади.

XVI. Алохидаги шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохидаги қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса хақиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

72. Мазкур шартнома вилоят ғазначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукукий кучга киради.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

“БУЮРТМАЧИ”

Номи: “Избоскан туман МТБ”
Манзил: Пойтуг шахар Накшбанд
куча
Ш/Х 401722860032147091100251001
ИНН : 305158448 МФО ;92400
Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Ғазначилиги
Банк:МБ ББ ХККМ Тошкент
Х/Р 23402000300100001010
МФО: 00014 ИНН : 201122919
Индекс:17073
Тел: +998 99 602 00 79

Мудир: Н.Кобилова




“ПУДРАТЧИ”

Номи: “Иноватцион Булдинг таъмир
“МЧЖ
Манзили: Избоскан туман
ЛугумбекМФЙ,Дамба куча 15 уй
Банк номи: АТ Ҳалқ банки Андижон
вилояти амалиёт булими
Х/Р: 20208000200956923001
МФО: 00649 ИНН: 305934882
ОКНХ: 42210
Тел: +998 93 332 70 70
Индекс: 17031



Рахбар: Ф.Галибжонов



**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮГРИСИДА ҲУҚУКИЙ
ХУЛОСА**

№ KX13384222

1. Лойиҳанинг тури: Хўжалик шартномаси.

2. Лойиҳанинг номи:

Избоскан тумани мактабгача таълим бўлими ва “Инновацион Булдинг таъмир” МЧЖ ўртасида 21-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш тўғрисида хўжалик шартномаси.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:

Избоскан туман мактабгача таълим бўлими томонидан 2022 йил 01 июнь куни ишлаб чиқилган ва дастурга киритилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

01.06.2022 йил

Избоскан туман юридик хизмат
кўрсатиши маркази бошлиги :



М.Мавлонов